



“YOSH TADQIQOTCHI” ilmiy elektron jurnali

Vebssayt: <http://2ndsun.uz/index.php/yt>

ЗООМОРФИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ачилова Мадина Шерзод қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 3-босқич (бакалавр) талабаси

Инфо:

Қабул қилинди: 25.03.2022
Кўриб чиқилди: 25.03.2022
Чоп этилди: 31.03.2022

Калим сузлар:

лингвокогнитология,
метафора,
антропозооморфизмла
рни

Аннотация

Жаҳон тилишунислигида антропоцентрик парадигма доирасида лингвокогнитология ва лингвокультурологияга оид илмий изланишлар жадал ривожланмоқда шу қаторда метафора ва унинг таркибида кирувчи зооморфизмларни қиёсий ҳамда қиёсий - чоғиштирма ўрганиш бўйича долзарб тадқиқотлар яратилмоқда. Жумладан антропозооморфизмларни турли системали ўзбек ва испан тилларида чоғиштириб ўрганиш тилшунислик фани учун илмий назарий ва амалий аҳамиятга эга. Антропозооморфизмлар анъанавий ва ўзига хос концептосфера ҳосил қилиб муайян миллатнинг тили ва маданиятининг ўзига хос ва умумий хусусиятларини очиб беришнинг назарий асосини илмий ўрганишга имкон яратади.

Copyright © 2022. [Creative Commons Attribution 4.0 International License](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

Зооморфизм деганда инсон ёки нарса-предметнинг образли тавсифини шакллантиримасада ҳайвонлар тимсолидан кўчма маънода фойдаланиш тушунилади. Mac. ўзб. тулки – тулкидек аййёр, эшшак – эшакдай қайсар, илон – илоннинг ёғини ялаган; исп. gusano – desnudo como un gusano, абеја – laboriosa como una abeja.

Зооморфизмлар ўзининг лингвистик хусусиятлари туфайли тилда инсон ҳаётининг ёки бошқача айтганда дунё манзарасининг акс эттирилиши муаммосини тадқиқ қилиш учун бой ва қизиқарли материалларни тақдим этади. Ф. Гукетлованинг фикрича инсонни тавсифловчи зоонимик лексиканинг этномаданий ўзига хослигини аниqlашда энг қулай қўриниш анъанавий

“зооморфизм” термини ҳисобланиб у лексикани инсоннинг эмоционал-баҳоловчи тавсифи нуқтаи назаридан таҳлил қилишда фаунанинг муайян вакили тимсолида намоён бўлган метафорик ном сифатида тушунилади. Ц.Ц.Оғдонованинг фикрича инсон тафаккури дунёни антропоморф ёки зооморф тарзда акс эттиришга мойил. Бундай акс эттиришнинг натижалари кўпгина лексик бирликларда намоён бўлиб улар орасида алоҳида турдаги кўчма маънолар ажралиб туради муаллиф уларни зооморфизмлар деб атайди. У бу тадқиқотда юқоридаги фикрларга қўшиламиз айни пайтда инсонни тавсифлаб келувчи зооморфизмларни нарса-предметни билдирувчи зооморфизмлардан фарқлаш ва ихчамлаштири учун антропозооморфизмлар деб аташни таклиф қиласиз яни антропозооморфизмлар инсонга образли тавсиф бериш ва баҳолаш мезони ҳобланади.

Бугунги кунда муайян этнос тилининг шу қаторда ўзбек ва испан тилларининг когнитив лингвоқультурологик социолингвистик ва не ролингвистик хусусиятлари оламнинг лисони манзарасини яратишда тилнинг ўрни антропозоометафора ва турғун ўхшатишларнинг когнитив ва семантик хусусиятлари, хусусан воқеликни концептуаллаштириш ва категориялаштириш ўзбек тилининг бой фразеологик тизимини бошқа қардош ва қардош бўлмаган тиллар лексикологияси ва фразеологияси билан чоғишириб ўрганиш шунингдек метафора ва иборалар яратилишида шахс психологияси омили каби устувор йўналишларда илмий -тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу мақола бир-бирига қардош бўлмаган испан ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар тадқиқига бағишлиданади. Фразеологик бирликлар образлиликни, экспрессивлик ва эмоционалликни юзага келтирувчи муҳим воситалар бўлиб, улар бадиий публицистик матнларнинг ифодавий таъсирчанлигини оширишга хизмат килади. Фразеологик бирликлар ихчам, маъно жиҳатидан салмоқдорлиги ва таъсирчанлиги туфайли давр руҳига мос келади. Бу эса, ўз навбатида, фразеологияга доир тадқиқотларнинг ҳозирги вақтда долзарб ва муҳимлигини яна бир карра исботлайди. Жамиятдаги муносабатларни, ҳодиса ва ҳолатларни соддароқ, ойдинроқ ва ёрқин ифодалаш мақсадида фразеологик бирликларда табиатдаги ўз хусусиятлари мос келадиган турли воситалар, жумладан, ҳайвонлар образидан усталик билан фойдаланилган. Тўпланган материаллардан ва уларнинг таҳлилидан бадиий таржима жараёнида, шунингдек, испан тили лексикологияси курси бўйича маъruzalар ўқишида, амалий машғулотлар ўтказишида, ҳамда луғатлар тузишида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур таҳлил натижаларига асосланиб, бошқа лексик-семантик гуруҳдаги сўзлар, ибораларни ҳам функционал ва семантик жиҳатдан ўрганиш мумкин.

Дунё тилшунослигига зоометафора ва зооморфизмили концептларни илмий -назарий таҳлил қилишда турли қарашлар мавжуд. Ушбу семантик категория миллий -маданий хусусиятларни тавсифлашда етакчи ҳисобланиб турли тилларда акл ва мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Бу категорияларга мурожаат антик даврлардан бошланган бўлса-да даврлар ўтиши билан такомилланиб долзарблашиб қатор тилшуносларнинг тадқи қотларида янги илмий -назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқ да ва тадқиқ қилинмоқда. Шунга кўра зооморфизмларнинг лингвопрагматик хусусиятларига оид бир неча илмий исботланган фикр ва мулохазаларни кўриб чиқишимиз мумкин бўлади:

1. Ўзбек ва испан тилларида антропоцентриклик хусусиятига эга зооморфизмларнинг экспрессив-эмотивлик ва аксиологик хусусиятлари далилланган;

2. Зооморфизмли тотем ва геральдиканинг ўзбек ва испан халқлари миллий -маданий анъанавийлиги ёки ўзига хослигини турлича акс эттирилиши лингвогеральдика асосида исботланган;

3. Зооморфизмлар гендерни намойиш этишда энг ёрқин миллий -маданий хусусиятга эгалиги асослаб берилган;

4. Антропозооморфизмларнинг қадимги туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳолати уларнинг семантикасида содир бўлган маъно кенгайиши ва маъно торайиши ҳодисалари очиб берилган;

Ўзбек ва испан маданиятида ҳайвон хусусиятларининг тафаккурда тарихий шакилланишига кўра турли хил коннотацияланиши ушбу тилларда ўзига хос бўлган зоометафораларни ҳосил қиласи деган ҳулоса бир неча олиб борилган тадқиқотларда исботланди. Маданиятнинг кодини очишда зоометафорага одамнинг турмуш тарзини атрофдаги табиатга ўхшатиб тилда воқелантириш воситаси деб қаралади нигоҳ – бургут (бургут қарашиб қилмоқ) юрак – отнинг калласи (юраги отнинг калласидек экан); ojos – *águila* (*sus ojos agudos como los de águila*), *corazón* – *lóbulo* (*Hombres veo que de hombres... En el corazón son libres...* ва ҳ.к. Бу метафораларда инсоннинг олам табиат жамият ва ўзга одамларни ҳаёт ва умрни қадрлаш ва баҳолаш туйғуси сезилади. Қисқача айтганда антропозооморфизмлар – инсонни тавсифлаш учун ишлатиладиган ҳайвон номларининг ўзига хос тарзда коннотацияланишидир. Шунингдек ушбу мавзу устида олиб борилган илмий изланишлар натижасида ўзбек ва испан тилларида метафорик моделлаштиришда илон, бўри, сигир, хўқиз, зорго, rez, mono, paloma, lobo ва ҳ.к. антропозооморфизмлар ҳам салби ҳам ижобий хусусиятларни акс эттирувчи ўзбек ва испан маданиятларида эталон сифатида қабул қилинган энг ёрқин экспрессив тил бирликлари эканлиги аниқланди.

Ҳулоса қилиб айтганда инсон ўзини ўраб турган дунё ҳодисаларни нарса-предметларни аниқлаш умумлаштириш ҳамда фарқлашида концептуал миллий -маданий метафораларда ифодаланган антропозооморф кодлар катта аҳамиятга эга. Бунда адресантнинг интенцияси мулоқот йўналишини ўзгартириш кучига эга яъни у антропозооморфизмнинг қайси хусусиятидан фойдаланиши мулоқот ҳолатининг салбий ёки ижобийлигини белгилаб беради. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки сўлашувчи шахс зооморфизмларнинг лингвопрагматик хусусиятларидан келиб чиқкан холда мулоқот давомида ўта эҳтиёткорлик билан, тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф одатларини чуқур ўргангандагина ушбу иборалардан фойдаланишлари лозим, акс холда зооморфизмларнинг лингвопрагматик хусусиятларига этибор бермаслик оқибатида хар хил кулгили ёки муаммоли ҳолатларни юзага келтириб чиқариши ҳолатлари ҳам юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Бахронова Дилрабо Келдиёровна Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари (ўзбек ва испан тиллари материалида) Тошкент — 2017 йил.
2. Соссюр Ф. Труды по языкоznанию. – М.: Прогресс, 1977. – 695 с.
3. Маковский М.М. «канлийская этимология». М., Высшая школа, 1986
4. Курилович Е. Заметки о значении слова // Вопросы языкоznания. – 1975. - №3. – С. 71-87.
5. Э. Макаев, Общая теория сравнительного языкоznания. М., 1977